

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ФИЗИКА-
ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/27.02.2020.FM/Т.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛЛОЕВ МАҲКАМ МУХАММАДШАРИФОВИЧ

**ЎТИШСИЗ НАНОЎЛЧАМЛИ МАЙДОНИЙ ТРАНЗИСТОРЛАРНИНГ
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ТЕХНОЛОГИК
ФЛУКТУАЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Халиллоев Маҳкам Мухаммадшарифович

Ўтишсиз наноўлчамли майдоний транзисторларнинг
характеристикаларига технологик флуктуацияларнинг таъсирини
моделлаштириш..... 3

Халиллоев Маҳкам Мухаммадшарифович

Моделирование влияния технологических флуктуаций на
характеристики безпереходного наноразмерного полевого транзистора 18

Khalilloev Mahkam Muxammadsharifovich

Simulation of influence of technological fluctuations to characteristics of
nanometer junctionless field effect transistors..... 33

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published research works 38

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ФИЗИКА-
ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/27.02.2020.FM/T.110.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИЛЛОЕВ МАҲКАМ МУХАММАДШАРИФОВИЧ

**ЎТИШСИЗ НАНОЎЛЧАМЛИ МАЙДОНИЙ ТРАНЗИСТОРЛАРНИНГ
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ТЕХНОЛОГИК
ФЛУКТУАЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/FM201 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Атамуратов Атабек Эгамбердиевич
физика-математика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Иброхим Набиевич
физика-математика фанлари доктори, проф

Ёдгорова Дилбара Мустафаевна
техника фанлари доктори, проф

Етакчи ташкилот:

Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Физика-техника институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/27.02.2020.FM/Т.110.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: **100084**, Ўзбекистон, Ташкент ш., **Чингиз Айтматов** кўчаси, 2Б-уй, Тел.: (+99871) 235-93-61, факс: (+99871)235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net)

Диссертация билан _____ Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй. Тел.: (+99871) 235-93-61; e-mail: ftikans@uzsci.net).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунни тарқатилди. (2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.К. Олимов,

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.С. Ахатов,

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

Ш.Н. Усмонов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф. д., к.и.х.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда фан, техника ва технологияларнинг, жумладан электрониканинг ривожланиши кундан кунга жадаллашиб бормоқда. Бу ўз навбатида электроникада қўлланиладиган элементларга қўйиладиган талабларни кучайишига олиб келмоқда. Улар ичида энг асосийлари қаторига уларнинг энергия тежамкорлик даражасини, тезчанлигини ва функционаллигини ошириш киради. Қўйилган талабларни амалга ошириш электрон қурилмаларни ташкил этувчи элементларни ўлчамларини наноўлчамларга етказиш билан тўғридан тўғри боғлиқдир. Ҳозирги вақтда электрон қурилмаларнинг асосий элементлари қаторига изоляцияланган затворли металл-оксид-яримўтказгич (МОЯ) майдоний транзисторлар ҳам киради. МОЯ транзисторлар ўлчамларини наномасштабларга етказиб, улар асосидаги интеграл схемаларнинг интеграция даражасини ошириш ва энергия истеъмолини камайтиришга эришиш мумкин. Шу сабабли наноўлчамли МОЯ тузилмалар ва улар асосидаги транзисторлар хоссаларини ўрганиш ҳозирги замон яримўтказгичлар физикасининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Дунёда бугунги кунда МОЯ транзисторлар, ўлчамларини наноўлчамларга етказганда юзага келадиган турли деградацион эффектларнинг транзистор характеристикаларига таъсирини очиб беришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли МОЯ транзистор, жумладан вертикал ўтишсиз МОЯ транзистор (JL FinFET) геометрик ўлчамларининг тасодифий ўзгаришларининг транзистор электрофизик параметрларига, характеристикаларига, қисқа каналли эффектларга таъсири қонуниятларини аниқлаш яримўтказгичли асбоблар физикасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Нанометр ўлчамлардаги, жумладан вертикал ўтишсиз МОЯ транзисторлардаги салбий эффектлардан бири бу тасодифий телеграф шовқинидир. Тасодифий телеграф шовқини амплитудасини ўрганиш билан боғлиқ ишларнинг аксарияти планар МОЯ транзисторларга бағишланган. Аммо уч затворли транзисторлар, хусуан ўтишсиз FinFET транзисторларда ТТШ амплитудаси, деярлик ўрганилмаган.

Республикамизда илм-фан ривожига, жумладан яримўтказгичли асбоблар физикаси ва электроника соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мамлакатимиз олимлари томонидан янги яримўтказгич материаллар, улар асосида турли тузилмалар олиш ва уларнинг характеристикаларига ташқи омиллар таъсирларини ўрганиш бўйича муҳим натижалар олинган. Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “Иқтисодий электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодий” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодийнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш”¹ бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

вазифалар белгиланган. Бу борада турли ташки таъсирларга чидамли янги электрон техника материаллари ва улар асосидаги тузилмаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг параметрларини назорат қилишнинг самарали усуллари яратиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сонли «Электротехника саноатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сонли «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу кунга қадар изоляцияланган уч затворли вертикал ўтишсиз майдоний транзисторлар турли тузилишлари, унинг характеристика ва параметрларига технологик флукутацияларнинг, қисқа каналли эффектларнинг деградацион таъсирларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотларда асосан қисқа канал эффектларнинг транзистор тузилишига боғланиши, канал шаклининг транзистор турли электрофизик параметрларига таъсирини ўрганиш билан чекланган, ва транзисторни турли қатлам ўлчамларининг ва канал шаклини қисқа каналли эффектларга таъсири деярлик ўрганилмаган. Япония олимлари D.Hisamoto, T.Kaga, Y.Kawamoto ва E.Takeda томонидан наноўлчамларда изоляцияланган затворли майдоний транзисторларда қисқа каналли эффектлар таъсирини камайтириш учун планар тузилишга эга бўлган транзистор ўрнига янги вертикал тузилишли майдоний транзистор таклиф қилинган. Бу вертикал транзисторларнинг технологиясини янада соддалаштириш мақсадида Ирландия олимлари J.P. Colinge ва ҳамкасблари томонидан таклиф қилинган янги тузилишдаги транзистор уч затворли бўлиб, унда исток-канал ва сток-канал ўтишлари мавжуд эмас. Корея Республикаси университети олимлари So Jeong Park, Dae-Young Jeon, Gu-Taе Kim вертикал ўтишсиз майдоний транзистор канал шаклининг ва легирланиш даражасининг транзистор характеристикаларига таъсирини ўрганганлар. Хитойнинг Ханджоу Дианжи университети олимлари Wei-Feng Lü, Liang Dai ўтишсиз майдоний транзисторлар характеристикаларига затвор материалининг чиқиш ишининг таъсири кўриб чиқилган ва аналог схемаларда қўллашдаши таъсири ўрганилган. Буюк Британиянинг Глазго

университети олимлари А. Asenov ва ҳамкасблари томонидан вертикал ўтишсиз майдоний транзистордаги тасодифий телеграф шовқини ўрганилиб бошқа турдош транзисторлардаги шовқинлар билан таққосланган. Украинанинг яримўтказгичлар физикаси институти олимлари томонидан кўп затворли ўтишсиз майдоний транзистор характеристикаларини аккумуляция режимида ишлайдиган транзисторлар характеристикалари билан таққосланган. Аммо изоляцияланган уч затворли ўтишсиз вертикал транзисторнинг вольт-ампер характеристикаларига, қисқа каналли эффектларига канал шаклининг, турли қатламларининг геометрик ўлчамларининг, оксид-яримўтказгич чегараси ва оксид қатламида қамралган якка заряднинг таъсири деярлик ўрганилмаган.

Ўзбекистон олимлари С.З. Зайнабидинов, С.И.Власов, И.Н.Каримов, Х.С.Далиев, А.Юсупов, А. Атамуратов ва бошқалар томонидан ҳам майдоний изоляцияланган затворли тузилмалар ва транзисторлар характеристикалари ўрганилган. Жумладан, С.И. Власов томонидан МОЯ тузилмалардаги оксид-яримўтказгич чегараси хоссаларини ўрганиш учун такомиллаштирилган С-V усуллар модификацияланган, С.З. Зайнабидинов ва И.Н. Каримовлар томонидан МДЯ тузилмалар чегара ҳолатларига турли ташқи омиллар таъсири ўрганилган, Х.С. Далиев томонидан МДЯ структуралар характеристикаларига турли ишлов бериш технологиялари таъсири аниқланган. А. Э. Атамуратов ва А. Юсупов томонларидан МДЯ транзисторлар хоссаларига диэлектрик қатламига киритилган локал зарядларнинг таъсири моделлаштирилган. Аммо бу ишларда наноўлчамдаги кўпзатворли вертикал ўтишсиз майдоний транзисторлар характеристика ва параметрлари ва уларга транзисторнинг технологик флуктуациялари, жумладан канал шаклининг таъсири ва тасодифий телеграф шовқини ўрганилмаган.

Вертикал майдоний изоляцияланган кўп затворли ўтишсиз транзисторларда қисқа каналли эффектларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар сони кўп эканлигига қарамадан, ҳозирги кунгача қисқа каналли эффектларга, тасодифий телеграф шовқинга транзистор канал шаклининг, транзистор турли қатламларининг геометрик ўлчамларининг таъсири тизимли ўрганилмаган. Вертикал майдоний ўтишсиз транзистор оксид-яримўтказгич чегарасида ёки оксид қатламида қамралган якка заряднинг ток токига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар эса жуда кам.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқотлар режасига мувофиқ №ОТ-Ф2-67 «Диэлектрик яримўтказгич чегарасидаги нуқсонлар табиати ва ён томон бўйлаб тақсимотини тадқиқ қилиш усулига янгича ёндашиш» (2017-2020 й.й.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади наноўлчамли изоляцияланган уч затворли, изолятор устида кремний технологияси асосидаги вертикал ўтишсиз майдоний транзистор характеристикаларига, ундаги қисқа каналли

эфектларга ва тасодифий телеграф шовкинга технологик флуктациялар натижасида вужудга келадиган транзистор шакли ва геометрик ўлчамларидаги ўзгаришларнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Моделлаштириш ва назарий ҳисоблашлар орқали наноўлчамли изоляцияланган уч затворли, изолятор устида кремний технологияси асосидаги вертикал ўтишсиз майдоний транзисторда:

канал шакли ўзгаришининг транзистордаги қисқа каналли эфектларга таъсирини аниқлаш;

канал шакли турли бўлган ҳоллар учун транзистор затворининг ён томонга кенгайишининг сток томонидан тўсиқ камайиши эфекти ва бўсагадан паст ўтиш характеристикаси қиялигига таъсирини ойдинлаштириш;

канал кўндаланг кесим шакли тўғри тўртбурчак бўлган ҳолда канал ости оксид қатлами геометрик ўлчамларининг қисқа каналли эфектларга таъсирини моделлаштириш;

затвор ости оксид қатлами ва оксид-яримўтказгич чегарасида қамралган зарядланган якка нуқсонни моделлаштириш;

канал шакли ўзгаришининг тасодифий телеграф шовкин амплитудасига таъсирини ойдинлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти изолятор устида кремний технологияси асосидаги вертикал уч затворли ўтишсиз майдоний транзисторлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети вертикал изоляцияланган уч затворли ўтишсиз майдоний транзисторларда қисқа каналли эфектлар, оксид-яримўтказгич қатламлари чегарасида ҳамда оксид қатламида қамралган якка зарядланган нуқсонларнинг сток токига таъсири ва тасодифий телеграф шовкин жараёнларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда электрон транспорти жараёнларини компьютерда сонли моделлаштириш ҳамда назарий-аналитик ҳисоблаш усулларида фойдаланилган. 3D моделлаштиришда изотермик диффузион-дрейф транспорт модели қўлланилиб, ташувчилар ҳаракатчанлигининг концентрацияга боғлиқлиги ва кучли майдонда тезлигининг тўйиниши эътиборга олинган. Кўрилаётган транзистор ўлчамлари наноўлчамларда бўлганлиги сабабли квант эфектларни эътиборга олиш учун зичлик градиенти квант коррективкаси қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нанометр ўлчамлардаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги уч затворли ўтишсиз вертикал МОЯ транзистор канали юқори қисми кенлиги W_t нинг 0 дан 5 нм гача ортишида канал кесими учбурчак шаклдан тўртбурчак шаклга ўзгаришида, канал бўйлаб заряд ташувчилар учун потенциал барьер камайиши ҳисобига транзистор бўсага кучланишининг монотон равишда камайиши, DIBL эфекти ва бўсагадан паст ўтиш вольт ампер характеристикасининг қиялигининг эса монотон ортиши аниқланган;

нанометр ўлчамлардаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги уч затворли ўтишсиз вертикал МОЯ транзисторда барча канал шаклларида бўсаға кучланишининг затвор ён томон кенглигининг 0 дан 2 нм қийматлари оралиғида камайиб ундан юқори қийматларда тўйинишга эришиб деярли ўзгармасдан қолиши кўрсатилиб, бўсаға кучланишининг ушбу хусусияти затвор-исток (затвор-сток) оралиғидаги сиғимнинг затвор ён кенглигига боғлиқлик қонуниятидан келиб чиқиши аниқланган;

изоляцияланган уч затворли ўтишсиз вертикал МОЯ транзистор канал ости оксид қатлами ва затвор ён томон кенгликлари бир хил ортиб боришларида, DIBL эффект ва SS ларининг затвор ён томон кенгайиши 0 дан 3 нм гача оралиғида ортиши асосан затвор-исток (затвор-сток) оралиғидаги сиғимларининг ортиши билан ва затвор ён томон кенглигининг 3 нм дан каттароқ қийматларида камайиб тўйинишга эришиши исток-база (сток-база) ва затвор-база сиғимларининг камайиши билан боғлиқ эканлиги кузатилган;

тасодифий телеграф шовқинни ўрганиш учун ўтишсиз изолятор устида кремний технологияси асосидаги наноўлчамли FinFET транзистор оксид қатламида ёки оксид-яримўтказгич чегарасида қамралган якка нуқсон модели шакллантирилди ҳамда қамралган якка заряд томонидан генерацияланган тасодифий телеграф шовқин амплитудаси заряд соҳасининг шаклига ва 0.1 нм дан 0.5 нм гача чизиқли ўлчамлари соҳасида, заряд фазовий тақсимотига ва ўлчамларига деярлик боғлиқ эмаслиги аниқланган;

тасодифий телеграф шовқини амплитудаси канал шаклига, шунингдек қамралган якка заряднинг канал бўйлаб вазиятига боғлиқ эканлиги аниқланди, бунда қамралган якка заряд каналнинг ён сирт чегарасида жойлашганда, канал кўндаланг кесими учбурчак бўлган шаклда ТТШ амплитудаси қийматлари энг кичик, тўртбурчак ва трапеция кесим шаклларида эса юқори қийматларга эга эканлиги кўрсатилди ҳамда якка заряд каналнинг юқори сиртида қамралганда, генерацияланган ТТШ амплитудаси канал кўндаланг кесим шакли тўғри тўртбурчак ҳолда трапеция шаклли ҳолга нисбатан юқори бўлиши ва бу каналда токнинг максимал зичлиги нуқтаси ва қамралган якка заряд ўртасидаги масофа билан боғлиқ эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Изолятор устида кремний технологияси асосидаги наноўлчамли вертикал изоляцияланган уч затворли ўтишсиз майдоний транзисторда DIBL эффектнинг канал шаклига, затвор ости оксид қатлами қалинлигига, затворнинг кенглигига боғлиқликлари аниқланиб, амалиётда бундай транзисторларни турли интеграл схемаларда қўллашда кучли деградацияга учрамайдиган оптимал геометрик ўлчамлар ва электрофизик параметрларини аниқлашга имкон бериши кўрсатилган;

Нанометр ўлчамдаги изоляцияланган затворли ўтишсиз майдоний транзисторда бўсағадан паст ўтиш вольт-ампер характеристикасининг қиялиги SS ни транзистор канал шаклига, затвор ости оксид қатлами қалинлигига, затворнинг кенглигига боғлиқликлари турли калитли ва аналог

схемаларида транзисторларни қўллашда деградацияга кам учрайдиган оптимал геометрик ўлчамларини ва электрофизик параметрларини аниқлаш имконини бериши кўрсатилган;

Наноўлчамдаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги ўтишсиз изоляцияланган уч затворли МОЯ транзисторда оксид-яримўтказгич чегарасидаги якка нуқсонда қамралган заряднинг ток токига таъсири бўйича олинган натижалар оксид-яримўтказгич чегарасидаги нуқсонларни мавжудлигини тасодифий телеграф шовқин амплитудасини ўлчаш орқали экспресс усул билан аниқлаш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги моделлаштиришда стандарт TCAD Sentaurus дастурлардан фойдаланилганлиги ва қўлланилган физик моделлар даврий нашрларда эълон қилинган тажрибалар натижалари асосида калибровка қилинганлиги ҳамда яримўтказгичлар назарий физикасининг тан олинган қонунлари, замонавий ёндашишларидан фойдаланилганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти наноўлчамдаги изоляцияланган затворли ўтишсиз МОЯ транзисторларни олиш технологик жараёнларида юзага келадиган ўлчамларнинг флуктуациясининг транзистор характеристикаларига, қисқа каналли эффектларга ва тасодифий телеграф шовқинга таъсири тўғрисидаги янги тасаввурларнинг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аниқланган DIBL эффекти ва SS нинг изоляцияланган затворли ўтишсиз МОЯ транзистор турли қисмларининг шакл ва ўлчамларига боғлиқлигидан ушбу наноўлчамли транзисторни олиш технологик жараёнларида оптимал шакл ва ўлчамлар танлашда, тасодифий телеграф шовқин амплитудасининг чегаравий якка нуқсон вазиятига боғлиқлигидан оксид-яримўтказгич қатламлар чегарасини экспресс диагностика қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наноўлчамли ўтишсиз FinFET транзисторнинг турли қисмларининг геометрик ўлчам, шаклларининг транзистор ўтиш характеристикаси, қисқа каналли эффектлар ва тасодифий телеграф шовқин амплитудасига таъсирини моделлаштириш асосида:

кўп қатламлардан ташкил топган, наноўлчамли яримўтказгич транзисторларда оксид-яримўтказгич чегарасидаги якка нуқсонларни моделлаштириш, яримўтказгич каналидаги потенциал тақсимоти, унинг турли қатламлар ўлчамлари билан боғланишлари ва вольт-ампер характеристикаларни олишда фойдаланилган квант коррективкалар тўғрисидаги илмий хулосаларидан “Ярим ўтказгичлар ва уларнинг наноструктураларида фотонли кинетик самараларнинг назарий тадқиқи” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойихасида кўп қатламли ўлчамли квантлашган яримўтказгичли структураларда фотонлар иштирокидаги кинетик ҳодисаларнинг назарий тадқиқларида ва натижаларнинг таҳлилларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 19 - январдаги 89-03-286-сон

маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли структураларда ток ташувчиларнинг тунелли оқимларини ҳисоблаш имконини берган.

Наноўлчамли вертикал ўтишсиз уч затворли FinFET транзисторининг геометрик ўлчам ва шакли флуктуациясининг транзистор характеристикаларига таъсирини моделлаштириш бўйича олинган натижалар Испаниянинг Сантиаго де Компостелла университетининг Компьютер Архитектураси бўлимида бажарилган «Мукамал компьютер ҳисоблашларда юзага келадиган янги муаммолар ечимлари ва юқори мукамал компьютер ҳисоблашлар учун техникавий ва дастурий усуллар» лойиҳасида илгариланган майдоний транзисторларни моделлаштиришда қўлланилган (Компьютер Архитектураси бўлими директорининг 2021 йилдаги маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш наноўлчамдаги майдоний транзисторларни, хусусан вертикал ўтишсиз майдоний транзисторларнинг характеристикаларига ички параметрлар флуктуацияси таъсирини моделлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари Урганч давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти илмий семинарларида ҳамда илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та ҳорижий ва 1 та республика журналларида чоп этилган. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ЭҲМ да қўлланиладиган 2 та дастурий маҳсулот учун гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши жами 110 саҳифалардан иборат бўлиб, таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 61 та расм, 4 та жадвал ва 2 та иловани ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мавзусининг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «метал-оксид-яримўтказгич транзисторлар ривожланиши ва юзага келаётган муаммолар» деб номланган **биринчи боб**ида адабиётларда берилган маълумотлар таҳлили асосида Планар метал-оксид-яримўтказгич транзисторлар ривожланиш тарихи ва қонуниятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Наноўлчамли вертикал метал-оксид-яримўтказгич транзисторлар ва улар пайдо бўлишининг физик сабабларини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар кўриб чиқилган. Наноўлчамли ўтишсиз метал-оксид-яримўтказгич транзистор хусусиятлари ва масштаблаштириш муаммолари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳидан келиб чиққан ҳолда мавзунинг долзарблиги асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

«Наноўлчамдаги ўтишсиз вертикал метал-оксид-яримўтказгич транзистор характеристикалари, ундаги қисқа каналли эффектлар ва уларни ҳисоблаш усуллари» деб номланган **иккинчи боб**да қисқа каналли эффектлар тушунчаси таништирилган ва уларни ҳисоблаш усуллари берилган, моделлаштиришда қўлланилган транспорт ва ҳаракатчанлик моделлари кўриб ўтилган ва уларни калибровкалаш натижалари келтирилган.

Наноўлчамли транзисторларда кузатиладиган тасодифий телеграф шовқин тафсилоти ва уни ҳисоблаш услубиёти баён қилинган.

DIBL эффекти, таърифига асосан, стокга берилган кучланиш V_d бир бирликка ўзгарганда транзистор босаға кучланишининг ўзгаришини билдирадиган катталиқдир, яъни

$$DIBL = \frac{\Delta V_{th}}{\Delta V_d} = \frac{V_{th2}(V_{d2}) - V_{th1}(V_{d1})}{V_{d2} - V_{d1}}$$

бу ерда V_{d1} - сток ва исток соҳалари орасига берилган паст ток кучланиши, V_{d2} - сток ва исток соҳалари орасига берилган юқори ток кучланиши, $V_{th1}(V_{d1})$ - сток ва исток соҳалари орасига берилган паст ток кучланиши V_{d1} га мос ҳолатда олинган ўтиш графигидаги бўсаға кучланиши, $V_{th2}(V_{d2})$ - сток ва исток соҳалари орасига берилган юқори ток кучланиши V_{d2} га мос ҳолда олинган ўтиш графигидаги бўсаға кучланиши.

Қисқа канал эффектлари қаторига, DIBL эффектдан ташқари ўтиш характеристикаси тиклигининг камайиши ҳам киради. Одатда бундай қисқа

канал эффектини баҳолаш учун бўсагадан паст соҳадаги ўтиш вольт-ампер характеристикасининг тиклигига тескари бўлган катталиқ қаралади ва у SS (Subthreshold swing) деб белгиланади. SS катталиқ бўсага кучланишидан паст соҳанинг қиялиги бўлиб, уни ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$SS = \frac{\Delta V_g}{\Delta \lg I_d} = \frac{V_{th} - (V_{th} - 0,2)}{\lg I_{th} - \lg I_{off}} = \frac{0,2}{\lg \left(\frac{I_{th}}{I_{off}} \right)} \quad \left[\frac{\text{мВ}}{\text{декада}} \right]$$

бу ерда ΔV_g - бўсага кучланиш V_{th} ва транзистор ёпиқ ҳолатига тўғри келади-ган затвор кучланиши орасидаги фарқ. Бизнинг ишда транзистор ёпиқ ҳолатига мос затвор кучланиши деб бўсага кучланишдан 200 мВ кичикроқ кучланиш олинган. $\Delta \lg I_d$ эса бўсага кучланишга тўғри келадиган бўсага токининг ўнлик лагарифими $\lg I_{th}$ билан транзистор ёпиқ ҳолатидаги токи лагарифми $\lg I_{off}$ орасидаги фарқ.

Наноўлчамли транзисторларни олиш технологик жараёнларида оксид қатламида ва оксид-яримўтказгич чегараларида якка нуқсонлар камралиши юзага келиши мумкин ва натижада улар сток токида тасодифий телеграф шовқинни (ТТШ) ҳосил қилиши мумкин. Диссертация ишида бундай шовқинлар амплитудасининг транзистор геометрик ўлчамлари ва канал шаклининг флуктуациясига боғлиқлиги ҳам моделлаштирилган. ТТШ амплитудаси сток токининг ўзгариши билан аниқланади. Ўлчашларда ТТШ амплитудаси стационар ҳолатда, яъни якка заряд оксиддаги (ёки диэлектрик яримўтказгич чегарадаги) нуқсонларда қамралган ҳолатда қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди

$$\text{ТТШ} = \frac{I - I_0}{I_0} = \frac{\Delta I}{I_0}$$


бу ерда I - нуқсонда якка заряд қамралган ҳолатдаги сток токи, I_0 – заряд қамралмаган ҳолатдаги сток токи. Сток токини ўлчашда исток-сток орасидаги потенциаллар фарқи қамралган якка заряд таъсиридан каттароқ бўлмаслиги учун исток-сток орасидаги кучланишини 10-50 мВ қийматлар атрофларида олинади.

Диссертация ишида ўрганилаётган майдоний транзисторлар, характеристикалари TCAD Sentaurus дастури ёрдамида моделлаштирилган. Ушбу ишда ўрганилаётган транзисторни моделлаштиришда классик диффузион-дрейф транспорт моделидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ўтишсиз вертикал майдоний транзистор-ларда технологик флуктуацияларининг қисқа каналли эффектларга таъсири**» деб номланган **учинчи бобида** Ўтишсиз майдоний транзисторларнинг канал кўндаланг кесим шаклининг қисқа каналли эффектларга таъсири, транзистор затворининг ён томонга кенгайишининг ва канали шакли турли бўлган транзистор затворининг ён томонга кенгайишининг DIBL ва SS га таъсири,

канал ости оксид қатлами геометрик ўлчамларининг қисқа канал эффектларга таъсири, турли канал кўндаланг кесим шаклига эга ва канали турли даражада легирланган транзисторда қисқа каналли эффектлар ўрганилган.

Ушбу ишда вертикал ўтишсиз уч затворли МОЯ транзисторларда (1-расм) канал юқори қисми кенглиги W_t ўзгаришининг бўсаға кучланиши V_{th} , DIBL эффекти ва SS га таъсири моделлаштирилган.



1-расм. Изолятор устида кремний технологияси асосидаги канал кўндаланг кесими шакли учбурчак (а), трапеция (б) ва тўғри тўртбурчак (с) бўлган наноўлчамли ўтишсиз МОЯ транзистори тузилиши.

V_{th} бўсаға кучланишининг канал кўндаланг кесими учбурчак, трапеция ва тўғри тўртбурчак шакилларга яъни канал юқори қисми кенглиги W_t га боғланишини моделаштириш натижалари 2-расмда келтирилган. Натижалардан кўриниб турибдики, канал юқори қисми кенглиги W_t ортиши билан транзистор бўсаға кучланиши V_{th} монотон равишда камайгани ва канал кўндаланг кесими тўғри тўртбурчак бўлган ҳолатда энг кичик қийматни қабул қилганини кузатишимиз мумкин (2-расм). Бўсаға кучланишининг бундай ўзгариши канал марказида затвор кучланиши томонидан ҳосил қилинган натижавий майдоннинг канал шаклга боғланиши билан тушунтирилиши мумкин. Канал кесим шакли ўзгаришининг қисқа каналли эффектларга таъсири ҳам ўрганилди. DIBL ва SS эффектларининг канал юқори қисми кенглигига боғланиши 3-расмда келтирилган. 3-расмдаги

а) б)

2-расм. Бўсаға кучланишининг канал юқори қисмининг кенглиги W_t га боғлиқлиги. 3-расм. Ўтишсиз вертикал МОЯ транзисторда а) DIBL эффектининг ва б) SS эффектининг канал юқори қисмининг кенглиги W_t га боғлиқлиги.

натижалардан шуни кўриш мумкунки, канал юқори қисми кенглиги ортиши билан DIBL эффекти ва SS монотон ошади ва канал кўндаланг кесим шакли учбурчак бўлган ҳолатда энг кичик қийматлари кузатилган (3.3а,б-расмлар). Маълумки DIBL эффекти ва SS каналдаги потенциал тақсимоти билан боғлиқ. Шу сабабали транзистор канали шакли ўзгаришларида кузатиладиган потенциал тақсимоти ўзгаришлари кўрсатилган қисқа каналли эффектларнинг ўзгаришига олиб келади.

«Ўтишсиз майдоний транзисторда чегара ва оксид қатламидаги якка нуқсоннинг транзистор характеристикаларига таъсири» деб номланган **тўртинчи бобда** тасодифий телеграф шовкин хосаларини ўрганишда фойдаланиш учун оксид қатлами ва оксид-яримўтказгич чегарасидаги якка нуқсоннинг физик модели таклиф қилинган, транзистор канали кўндаланг кесими турли шаклларида оксид қатламидаги якка нуқсоннинг сток токига таъсири ўрганилган ва ўтишсиз ва инверсияланган каналли изоляцияланган затворли вертикал майдоний транзисторларда тасодифий шовкин амплитудасини таққосланган.


МОЯ транзисторларининг оксид қатламида ёки оксид-яримўтказгич чегарасидаги нуқсонда қамралган якка заряднинг ўлчамларини ва фазовий тақсимотини ифодаладиган ягона физик модел мавжуд эмас. Диссертацияда изоляцияланган затворли транзисторларда чегаравий ходисаларни моделлаштиришда фойдаланиши мумкин бўлган зарядланган якка нуқсон физик модели таклиф қилинган (4-расм). Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатадики ўтишсиз изолятор устида кремний технологияси асосидаги вертикал майдоний (ИУК FinFET) транзистор оксид қатламида ёки оксид-яримўтказгич чегарасидаги якка нуқсонда қамралган заряд томнидан генерацияланган ТТШ амплитудаси заряд соҳасининг шаклига ва 0.1 нм дан 0.5 нм гача чизиқли ўлчамлари соҳасида, заряд фазовий тақсимотига ва ўлчамларига деярлик боғлиқ эмас. Ва демак кўрилаётган транзисторларда якка нуқсонни одий зарядланган катакча (4-расм, 4-шакл) орқали моделлаштириш мумкин.



1-шакл



2-шакл



3-шакл




4-шакл

4-расм. Заряд тақсимотининг турли шаклларига эга бўлган якка қамровчи зарядланган нуқсоннинг моделлари.

Диссертация ишида изолятор устида кремний асосидаги ўтишсиз майдоний транзисторлар-нинг турли канал кўндаланг кесими шаклида канал юқори ва ён сиртларида оксид-канал чегарасида қамралган якка заряднинг канал бўйлаб жойлашиш вазиятининг тасодифий телеграф шовкин амплитудасига таъсири ҳисобланди. Каналнинг кўндаланг кесимлари

учбурчак, трапециясимон ва тўғри бурчакли бўлган транзисторлар қаралган. Моделлаштириш натижалари, тасодифий телеграф шовкин амплитудаси транзистор канали шаклига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Айниқса, бу боғланиш затвор кучланишларининг бўсагадан паст соҳасида сезиларли эканлиги кўринади (5-расм).



5-расм. ТТШ амплитудасининг камралган якка заряд канал бўйлаб жойлашган вазиятга боғланиши. (а) - $V_g - V_{th} = 0$, ва (б) $V_g - V_{th} = -0,4$. (1) - Канал кўндаланг кесими учбурчак, заряд ён томонда; (2) - Канал кўндаланг кесими трапеция, заряд ён томонда; (3) - Канал кўндаланг кесими тўртбурчак, заряд ён томонда; (4) - Канал кўнда-ланг кесими трапеция, заряд тепада; (5) - Канал кўндаланг кесими тўртбурчак, заряд тепадаги холат.

ХУЛОСАЛАР

Нанометр ўлчамлардаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги изоляцияланган уч затворли ўтишсиз вертикал МОЯ транзисторлар характеристикаларига, ундаги қисқа каналли эффектларга ва тасодифий телеграф шовкинга технологик флуктуациялардан келиб чиққан транзистор ўлчамларининг, шаклининг ва канал легирланиш даражаси ўзгаришининг таъсирини моделлаштириш ва назарий таҳлил қилиш бўйича олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Нанометр ўлчамлардаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги уч затворли ўтишсиз вертикал МОЯ транзистор канал тепаси кенглиги W_t ортиши билан транзистор бўсага кучланиши V_{th} монотон равишда камайиши, DIBL эффекти ва SS ларнинг эса монотон ортиши аниқланди. Бундай боғланишлар канал шакли ўзгарганда аккумуляция режимини юзага келтирувчи затвор кучланиши ва канал бўйлаб потенциал тақсимоти ўзгаришлари билан боғлиқ.

2. Затвор узунлиги, канал қалинлиги ва кенглиги 10 нм, канал кесим шакли тўғри тўртбурчак бўлган изолятор устида кремний технологияси асосидаги уч затворли ўтишсиз вертикал МОЯ транзистор затвори ён томонга кенгайтирилганда, DIBL эффекти ортиши топилди. Бундай ўзгариш исток (сток)-затвор паразитик сиғимларининг канал потенциал тақсимотига таъсири натижасида юзага келиши кўрсатилган.

3. Нанометр ўлчамлардаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги уч затворли ўтишсиз вертикал МОЯ транзистор барча канал шаклларида бўсага кучланишининг затвор ён томон кенглигининг 0 дан 2 нм

қийматлари оралиғида, камайиб ундан юқори қийматларда деярли ўзгармасдан қолиши кўрсатилди. Бўсаға кучланишининг бундай хусусияти затвор-исток (затвор-сток) оралиғидаги сифимнинг затвор кенглигига боғлиқлик қонуниятидан келиб чиқади. Канал кўндаланг кесими шакли учбурчак бўлган ҳолида, затвор кенгайишининг бутун ўзгариш диапазонида, бўсаға кучланиши, бошқа шаклдаги транзисторларга нисбатан, энг юқори қийматларда бўлиши кузатилади.

4. Нанометр ўлчамлардаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги уч затворли ўтишсиз вертикал канал кесим шакли тўғри тўртбурчак бўлган, МОЯ транзистор затвори ён томони кенглиги ўзгармаган ва $W_{ext} = 0.5$ нм бўлган ҳолда канал ости оксид қатлами ён томон кенглиги ортиши билан, затвор-база, исток-база ва сток-база сифимларининг камайиб тўйинишга эришганлиги сабабли, DIBL эффекти монотон равишда камайиб бориши ва 300 нм дан каттароқ қийматларда ўзгармай қолиши аниқланди.

5. Тасодифий телеграф шовқинни ўрганиш учун нанометр ўлчамлардаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги уч затворли ўтишсиз вертикал МОЯ транзистор оксид қатламида ёки оксид-яримўтказгич чегарасида қамралган якка нуқсон физик модели шакллантирилди. Қамралган якка заряд томонидан генерацияланган тасодифий телеграф шовқин амплитудаси заряд соҳасининг шаклига ва 0.1 нм дан 0.5 нм гача оралиқда чизикли ўлчамларига, заряд фазовий тақсимотиға деярлик боғлиқ эмаслиги аниқланди.

6. Тасодифий телеграф шовқини амплитудаси канал шаклига, шунингдек қамралган якка заряднинг канал бўйлаб вазиятиға боғлиқ эканлиги аниқланди. Қамралган якка заряд каналнинг ён сиртида жойлашганда, канал кўндаланг кесими шакли учбурчак бўлган ҳолда ТТШ амплитудаси қийматлари энг кичик, тўртбурчак ва трапеция кесим шаклларида эса юқори қийматларға эға эканлиги кўрсатилди. Учбурчак кесимли каналда максимал ток зичлиги нуқтаси асосға яқинлашиб қамралган заряддан узоклашганлиги тасодифий шовқин амплитудасининг нисбатан кичик бўлишиға сабаб бўлади.

7. Якка заряд каналнинг юқори сиртида қамралганда, генерацияланган ТТШ амплитудаси канал кўндаланг кесим шакли тўғри тўртбурчак ҳолда трапеция шакли ҳолға нисбатан юқори бўлиши аниқланди ва бу каналдаги ток максимал зичлиги нуқтаси ҳамда қамралган якка заряд ўртасидаги масофа нисбатан кичик эканлиги билан боғлиқлиги кўрсатилди.

8. Нанометр ўлчамлардаги изолятор устида кремний технологияси асосидаги уч затворли ўтишсиз вертикал МОЯ транзисторда затвор кучланиши бўсаға кучланишиға тенг бўлган ҳолда, канал тепа сирти марказида қамралган заряд томонидан генерацияланган тасодифий телеграф шовқин амплитудаси бир хил геометрик ўлчамлардаги планар, ҳажмий МОЯ транзистор, тўлиқ камбағаллашган изолятор устида кремний технологияси асосидаги МОЯ транзистор (FDSOI) ва FinFET транзистордагига нисбатан бир тартибға кичик эканлиги кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc02/27.02.2020.FM/Т.110.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

УРГЕНЧЕСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАЛИЛЛОЕВ МАХКАМ МУХАММАДШАРИФОВИЧ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ
ФЛУКТУАЦИЙ НА ХАРАКТЕРИСТИКИ БЕЗПЕРЕХОДНОГО
НАНОРАЗМЕРНОГО ПОЛЕВОГО ТРАНЗИСТОРА**

01.04.10 – «Физика полупроводников»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/FM201.

Докторская диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант:

Атамуратов Атабек Эгамбердиевич
доктор физико-математических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Каримов Иброксим Набиевич
доктор физико-математических наук, проф.

Ёдгорова Дилбара Мустафаевна
доктор технических наук, проф.

Ведущая организация:

Ташкентский университет информационных технологий

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 года в __ часов на заседании Научного совета DSc02/27.02.2020.FM/T.110.01 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском Физико-технического института Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100084, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Чингиз Айтматов, дом 2Б. Тел: (+99871) 235-93-61, факс (+99871) 235-42-91, e-mail: ftikans@uzsci.net).

С диссертацией можно ознакомиться в Отделе внедрения информационных технологий института (зарегистрирована за № _____) по адресу: 100084, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Чингиз Айтматов, дом 2Б. Тел: (+99871) 235-93-61

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 г.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 г.).

Х.К. Олимов,
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф-м.н., профессор

Ж.С. Ахатов,
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., с.н.с.

Ш.Н. Усмонов,
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. С каждым днем ускоряется развитие науки, техники и технологий, в частности электроники. Это в свою очередь приводит к усилению требований к элементам применяемым в электронике. Среди этих требований в ряд самых основных входят увеличение степени их энергосбережения, быстродействия и функциональности. Реализация таких требований прямо связана с доведением размеров элементов, составляющих эти электронные устройства, до нанометровых. В настоящее время в ряд основных элементов электронных устройств входят и полевые транзисторы с изолированным затвором (МОП транзисторы). Доведя размеры этих транзисторов до нанометровых масштабов можно добиться увеличения степени интеграции интегральных схем и уменьшения их энергопотребления. Поэтому исследование свойств МОП структур и транзисторов на их основе считается актуальной задачей современной физики полупроводников.

На сегодняшний день обращается большое внимание на раскрытие влияния различных деградационных эффектов на характеристики транзисторов, проявляющихся при доведении размеров МОП транзисторов до нанометровых масштабов. В связи с этим одним из важных задач физики полупроводниковых приборов является определение закономерностей влияния случайных изменений геометрических размеров на электрофизические параметры, характеристики и короткоканальные эффекты нанометровых МОП транзисторов, в частности вертикальных безпереходных МОП транзисторов (JL FinFET).

В нашей Республике уделяется большое внимание развитию науки, в частности особое внимание уделяется развитию физики полупроводниковых приборов и электронной отрасли. В этом плане, учеными нашей страны получены важные результаты по получению новых полупроводниковых материалов, различных структур на их основе, и по изучению влияния различных внешних воздействий на их характеристики. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2022-2026 годы, в частности, определены задачи по “Непрерывному обеспечению экономики электрической энергией и активному внедрению технологий “Зеленой энергетики” во все сферы, повышению энергетической эффективности экономики на 20 процентов”. В этом аспекте, одной из важных задач является разработка новых материалов электронной техники и структур на их основе, стойких к различным воздействиям и эффективные методы контроля их параметров.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП–60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 года, «О дополнительных мерах по созданию благоприятных условий для дальнейшего развития электротехнической промышленности и повышению инвестиционного и экспортного потенциала

отрасли» от 30 мая 2019 года, ПП-3855 «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности» от 14 июля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: III. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники и электронного приборостроения».

Степень изученности проблемы. К настоящему времени все работы, посвященные изучению структуры и влияния технологических флуктуаций на параметры и характеристики вертикальных полевых транзисторов с изолированным затвором и деградиационных влияний короткоканальных эффектов, были ограничены исследованием зависимости короткоканальных эффектов от структуры транзистора и электрофизических параметров от формы канала, и почти не было исследовано влияние размеров различных слоев и формы канала на короткоканальные эффекты. Японские ученые D.Hisamoto, T.Kaga, Y.Kawamoto и E.Takeda для уменьшения влияния короткоканальных эффектов в нанометровых полевых транзисторах с изолированным затвором, вместо планарных транзисторов предложили новые вертикальные полевые транзисторы с изолированным затвором. Предложенный для упрощения технологии изготовления этих вертикальных транзисторов ирландским ученым J.P. Colinge и его коллегами транзистор с новой структурой с тремя затворами не имеет переходов исток-канал и сток-канал. Ученые университетов Корейской Республики So Jeong Park, Daeyoung Jeon, Gyu-Tae Kim исследовали влияние формы канала и уровня легирования на характеристики вертикального безпереходного полевого транзистора. Китайскими учеными из университета Ханджоу Дианжи Wei-Feng Lü, Liang Dai рассмотрено влияние работы выхода материала затвора на характеристики безпереходного полевого транзистора и исследовано его влияние при применении их в аналоговых схемах. Случайные телеграфные шумы в вертикальных безпереходных полевых транзисторах и их сравнение с шумами в родственных транзисторах было исследовано учеными A. Asenov и его коллегами из университета Глазго Великобритании. Украинскими учеными из института физики полупроводников было проведено сравнение характеристик много-затворных безпереходных полевых транзисторов с транзисторами работающими в режиме аккумуляции. Однако влияние на вольтамперные характеристики, на короткоканальные эффекты формы канала, геометрических размеров различных слоев, единичного заряда встроенного на границе оксид-полупроводник, и в оксидном слое почти не исследовано.

Учеными Узбекистана С.З. Зайнабидиновым, С. И. Власовым, И.Н. Каримовым, Х.С. Далиевым, А. Юсуповым, А. Атамуратовым и другими

проводились исследования характеристик МДП структур и полевых транзисторов на основе этих структур. В частности, А.В. Каримовым исследовались различные структурные эффекты в полевых транзисторах на основе p-n переходов. С.И. Власовым развиты усовершенствованные методы C-V характеристик для исследования границы раздела диэлектрик-полупроводник в МДП структурах. С.З. Зайнабидиновым и И.Н. Каримовым исследовались различные внешние влияния на граничные состояния в МДП структурах. Х.С. Далиевым экспериментально определено влияние на характеристики МДП структур различных технологических обработок. А. Атамурастовым и А. Юсуповым моделировались влияния на характеристики МДП транзисторов локальных зарядов в диэлектрическом слое. Но в этих работах не достаточно рассматривались характеристики и параметры наноразмерных многозатворных безпереходных полевых вертикальных транзисторов и влияние технологических флуктуаций, в частности формы канала, на эти характеристики и параметры и случайные телеграфные шумы.

Несмотря на большое количество работ, связанных с исследованием короткоканальных эффектов в полевых вертикальных многозатворных безпереходных транзисторах с изолированным затвором, до настоящего времени системно не исследовано влияние формы канала и геометрических размеров различных слоев на короткоканальные эффекты и случайные телеграфные шумы. Очень мало работ по исследованию влияния на ток стока единичного заряда, захваченного в диэлектрическом слое или на границе раздела диэлектрик-полупроводник вертикального безпереходного полевого транзистора.

